

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА ФАРИДА САИДИКРАМОВНА**

**МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЎЗБЕК ЭТНОТАФАККУРИДАГИ**  
**ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК: 316.277.4: 316.422: 323 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Умарова Фарида Саидикрамовна**

Модернизация ва ўзбек этнотафаккуридаги янгиланиш жараёнлари ..... 3

**Умарова Фарида Саидикрамовна**

Модернизация и процессы обновления в узбекском этномышлении ..... 21

**Umarova Farida Saidikramovna**

Modernization and processes of renewal in Uzbek ethnic thinking .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВА ФАРИДА САИДИКРАМОВНА**

**МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЎЗБЕК ЭТНОТАФАККУРИДАГИ**  
**ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal341 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абилов Ўрол Муродович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тўйчиев Бердикул Тўракулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Назаров Насриддин Атакулович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

«Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалиғини механизациялаш  
муҳандислари институти» миллий  
тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» февраль куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» февраль кунини тарқатилди.  
(2022 йил «7» февраль даги 78 рақамли реестр баённомаси).



**И.С. Саифназаров,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

**Г.М. Рузматова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

**О.Дж. Нишанова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар нафақат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга, шу билан бирга, миллий ўзликни англаш (идентификация), ижтимоий онг ва этнотафаккурга ҳам таъсир этмоқда. Глобаллашув субъектларининг кенгайиб, ўзгариб бораётгани, бугун тараққиёт йўлига кирган ва кираётган миллий давлатларнинг фаоллашаётганидан, халқлар этнотафаккурида янгиланиш жараёнлари кечаётганидан дарак беради. Бу жараёнлар шунчалик мураккаб ва серқирраки, глобаллашувнинг бош факторлари ўзининг гегемонлик даъволаридан воз кечишга мажбур бўлмоқда.

Дунёнинг бир қатор давлатларидаги йирик илмий тадқиқот марказларида модернизация муаммосига оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Уларда модернизациянинг ижтимоий тараққиётнинг объектив талаби, ижтимоий муносабатлардаги эски, тараққиётга зид, илмий-техник кашфиётларга бефарқ ва догматик тасаввурлардан холи замонавий усул, ёндашув, феномен экани таъкидланади. Уларда асосий эътибор Европа модернизациясини тадқиқ этишга қаратилган бўлса-да, умумбашарий хусусиятларга эга хулосалар биз учун муҳим.

Ўзбекистон сўнгги йилларда модернизациялаштиришнинг, этнотафаккурдаги янгиланишларнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатни модернизациялаш негизи инсон манфаатлари, халқ ҳаётини яхшилаш, демократик кадриятларни қарор топтириш, илмий-техник ривожланишга қаратилган ислохотлар «Янги Ўзбекистонда - Учинчи Ренессанс даври пойдеворини яратишда»<sup>1</sup> муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, халқимиз онги ва орзу-умидларидан чуқур жой олган илм-маърифатли жамият куриш, ижтимоий-ахлоқий кадриятлар устуворлигига ишонч, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш ғоялари янги Ўзбекистон тараққиётининг фундаментига айланган. Айниқса, 2021 йил 24 октябрдаги Президент сайлови ўзбек этнотафаккуридаги демократик кадриятлар ва муносиб раҳбарга ишонч қарор топганини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. // 2020, 31 август. <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодийнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамиятни модернизациялаш, этнотафаккурдаги янгиланиш жараёнларига оид муаммонинг айрим жиҳатларини хорижлик олимлар М.Мид, С.Хантингтон, Т.Кун, Т.Парсонс, А.Тойнби, Э.Тоффлер, К.Поппер, К.Мангейм, Д.Истон, Ф.Фукуяма, Э.Хейвудлар тадқиқ этишган<sup>2</sup>. Уларнинг илмий изланишларида кўпроқ сиёсий модернизация ва унинг кишилар онгига, тафаккури ва қарашларига таъсири очиб берилади. Чет эллардаги модернизация жараёнларининг ижтимоий тафаккурга таъсири, бу борада ишлаб чиқилган социометрик тавсиялар биз учун ҳам зарур.

МДХ олимларидан В.Пугачев, А.Надеев, А.Мельвиль, А.Салмин, В.Ильин, С.Кара Мурза, Г.Атаманчук, А.Налчаджян, К.Гаджиев, В.Лобанов, А.Данилов, И.Бестужев Лада, В.Мейтус<sup>3</sup> кабилар муаммонинг сиёсий жиҳатларига эътибор қаратдилар. Бироқ уларда ҳам этнотафаккурдаги янгиланишлар эътибордан четда қолиб кетган. Модернизация билан этнотафаккур ўртасидаги диалектик боғлиқлик илмий муаммо сифатида энди тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш жараёнларига халқни, айниқса ёшларни жалб этиш муаммоларига бағишлаб турли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сиёсий ва ҳуқуқий модернизация, улар билан боғлиқ тафаккурнинг айрим масалаларини ўзбекистонлик олимлар А.Саидов, З.Исломов, Р.Жумаев, Н.Жўраев, С.Жўраев, В.Кўчқоров, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаров, Э.Халилов, О.Оқюлов, Ш.Жалилов, У.Абилов, А.Қодиров, К.Умарова, Ш.Мамадалиев, К.Джавакова, М.Нишонов, У.Идилов, М.Қирғизбоев, С.Бердиқулов, Ф.Шарипов,

---

<sup>2</sup> Margaret Mead. *Continuities in Cultural Evolution*. – N.Y.: Routledge, 1999; S.P.Huntington. *The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order*. – N.Y.: Simon and Schuster, 1996; Кун Т. Структура научных революций. – М., 2009; Talcott Parsons. *Sociological theory and modern society*. – N.Y.: The Free Press, 1967; Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. – М.: Роль, 2002; Toynbee Arnold. *The Prospects of Western Civilization*. – N.Y.: Columbia University Press, 1949; Тоффлер Э., Тоффлер Х. Революционное богатство. – М.: АСТ, 2007; Поппер К. Открытое общество и его враги. Т.1. Чары Платона. – М.: Культурная инициатива, 1992; Мангейм К. Идеология и утопия // Утопия и утопическое мышление. – М.: Прогресс, 1991; David Easton. *Regime and Discipline: Democracy and the Development of Political Science*. – N.Y.: The University of Michigan Press, 1995; Фукуяма Ф. Сильное государство. Управление и мировой порядок в XXI веке. – М.: АСТ, 2006; Хейвуд Э. Политология. – М.: Юнити-Дана, 2005.

<sup>3</sup> Пугачев В.П. Деструктивная деятельность в современном обществе. – М.: LAP LAMBERT Academic Publishing Saarbrücken Germany, 2014; Мельвиль А. Проблемы политической трансформации и модернизации России. – М.: МОНФ, 2001; Салмин А. Современная демократия: очерки становления и развития. – М.: Фарум, 2009; Ильин В.В. Теория познания. Социальная эпистемология. Социология знания. – М.: Академический проект, 2014; Кара Мурза С. Манипуляция сознанием. Век XXI. – М.: Алгоритм, 2015; Атаманчук Г. Управление: философия, идеология, научное обеспечение. – М.: Academia, 2015; Налчаджян А. Фрустрация, психологическая самозащита и характер в двух томах. Ереван, 2013; Гаджиев К. Политическая философия. – М.: Экономика, 1999; Данилов А. Социология власти: теория и практика глобализма. – Минск, 2001; Бестужев Лада И. Перспективы развития культуры в проблематике социального прогнозирования. – Санкт-Петербург: Изд-во Санкт-Петербургского гуманитарного университета профсоюзов, 1997; Мейтус В. Политическая партия: стратегия и управления. – Киев: Эльга, Ника-Центр, 2004.

А.Таксанов, Е.Кутибаева<sup>4</sup> кабилар ўрганишган. Уларнинг тадқиқотлари, чоп этилган асарлари муаммонинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини очиб беришга, бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажрибаларни таҳлил қилишга, ёритишга бағишланган. Аммо уларда сиёсий-ҳуқуқий модернизациялашнинг этнофақкур билан боғлиқ жиҳатлари, айниқса этнофақкурдаги янгиланишлар тадқиқ этилмаган.

Муаммонинг иқтисодий модернизация билан боғлиқ айрим масалаларини М.Шарифхўжаев, В.Чжен, С.Ғуломов, Р.Убайдуллаева, Ш.Эргашходжаева, А.Ваҳобов, И.Очилов, А.Мадалиев, А.Ишмухамедов, Б.Умаров, З.Муқумов, Н.Тўхлиев, М.Салямов, Ҳ.Абдулқосимов, Ё.Абдуллаев, Ш.Юлдашев, Ю.Додобоев, Т.Жўраев, Д.Бабабекова<sup>5</sup> кабилар тадқиқ этишган. Улар бозор муносабатларига ўтиш, шу билан боғлиқ ижтимоий фикрда, кишиларнинг иқтисодий онгида рўй берган янгиланишлар борасида қимматли ғояларни илгари суришган. Ўзбекистон тажрибасининг позитив жиҳатларини, ўтиш даврининг зиддиятлари билан боғлиқ этнофақкурдаги ўзгаришларни очиб беришган. Бироқ улар этнофақкур муаммоларини йўл-йўлакай тилга олишган.

Маънавий-маданий соҳадаги модернизация жараёнлари ва улар таъсирида янгиланаётган этнофақкурнинг муайян жиҳатларини файласуфларимиздан Э.Юсупов, А.Валиев, С.Шермухамедов, Ж.Бозорбоев, Ш.Абдуллаев, Б.Алиев, В.Алимасов, Г.Наврўзова, Р.Шодиев, Ж.Яхшилик, И.Саифназаров, И.Хўжамуродов, С.Отамурадов, Б.Очилова, Р.Рўзиева, Ф.Мусаев, Ф.Жўракулов, Ж.Мавлянов, О.Нишонова, А.Қодиров, З.Давронов, А.Очилдиев, М.Ҳожиева,

---

<sup>4</sup> Саидов А. Сравнительное правоведение. – М.: Юристъ, 2001; Саидов А. Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари. – Тошкент: Тафаккур, 2010; Исломов З. М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. – Тошкент: ТДЮИ, 2002; Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005; Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Тошкент, Шарқ, 1997; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Тошкент: Маънавият, 2008; Жўраев С.Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: ТошДШИ, 2003; Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. – Тошкент: Академия, 2007; Одилқориев Т.Х., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. – Тошкент: ИИВ Академия, 2010; Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. –Тошкент: ЎзИИВ Академияси нашр., 2004; Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001; Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаш стратегияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2006; Қодиров А. Сиёсий маданият. – Тошкент: ТДЮИ, 2008; Мамадалиев Ш. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2015; Джавакова К.В. Институты народовластия в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2007; Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010; Бердикулов С. Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизими: шаклланиши ва ривожланиши. – Тошкент: ИИВ Академия, 2014.

<sup>5</sup> Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент: Шарқ, 2003; Чжен В. А. и др. Законодательные основы рынка. Т.3. – Ташкент: ИПК Шарқ, 1997; Чжен В.А. Рынок и открытая экономика. – Ташкент: ИПК Шарқ, 1996; Ғуломов С. Иқтисодиёт илмий асослари. – Тошкент: Молия инст.нашр., 2002; Ғуломов С. Менежмент асослари. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2002; Ғуломов С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Тошкент: ТДАУ, 2002; Убайдуллаева Р. Общественное мнение: диалог между обществом и государством // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2014. - №1; Мадалиев А. Исламский экстремизм в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. - Швеция, 2000. - №5 (11). С. 37-49; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. - Тошкент: Маънавият, 2006; Тўхлиев Н. Ўзбек модели: тараққиёт тамойиллари. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2014; Салямов М.Х. Экономика переходного периода. – Ташкент: Университет, 2002; Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. – Тошкент: Akademiya, 2008; Жўраев Т. Тузувчи ва бузувчи тизимлар // Тафаккур. – Тошкент, 2000. - №2.

З.Қодирова, А.Эркаев, Ш.Мадаева, М.Атавуллаев, Р.Курбаниязова, Т.Хожиев<sup>6</sup> кабилар ўрганишган. Бу тадқиқотчилар жамиятимиз тараққиётининг турли қирраларини тадқиқ этиб, муаммонинг кенг қамровли, мураккаб воқелик эканини очиб беришган. Уларнинг илмий методологик аҳамиятга эга хулосалари, фикрлари тадқиқотимиз учун муҳимдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва илмий-фалсафий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари билан ўзбек этнофаққури ўртасидаги диалектик боғлиқликларни ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

модернизациянинг ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг илмий техник ва тафакқурий янгиланишига оид воқелик эканини очиб бериш;

модернизация тизимларининг (сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳада) имманент хусусиятларини тадқиқ этиш;

модернизация жараёнларининг этнофаққурга ва этнофаққурнинг модернизация жараёнларига таъсирини, этнофаққурдаги динамик ўзгаришларни аниқлаш;

Янги Ўзбекистонда этнофаққурнинг янгиланиш хусусиятлари ва уларнинг интеллектуал изланишлар, ижтимоий онг ва фикрларда инъикосини очиб бериш.

---

<sup>6</sup> Юсупов Э. Маънавий кадрятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Университет, 2003; Валиев А.К. Независимость и духовная жизнь. – Ташкент: Фан, 1992; Шермухамедов С. Духовная культура и социальный прогресс. Философские исследования в Узбекистане. Т.1. - США, Вашингтон, 2000; Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы тенденции, противоречие 70-80 годы XX века). Автореф. док. дис... филос. наук.- Ташкент, 1994; Алимасов В. Ижтимоий-маънавий мерос ва шарқона демократия. – Тошкент: NOSHIR, 2013; Алимасов В., Манзаров Ю. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт (фалсафий-социологик тадқиқот). – Тошкент: Наврўз, 2014; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Тошкент: Маънавият, 2001; Хўжамуродов И. Ўзбек халқи миллий (этник) ўзлигини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири: Фал. фан. док... дис. - Тошкент, 1994; Отамурад С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Тошкент: O`zbekiston НМИУ, 2013; Рўзиева Р. Жамиятнинг маънавий янгиланиши: миллий ва умуминсоний кадрятлар уйғунлиги. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст.нашр., 2011; Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: O`zbekiston, 2007; Мавлянов Ж. Гражданское общество: от концепта к концепциям и парадигмам (социально-философский анализ). – Тошкент: Истиклол нури, 2014; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. – Тошкент: Фан, 2013; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаш стратегияси. - Тошкент: ТДЮИ, 2006; Давронов З. Баркамолликка даъват мактублари. – Тошкент: Тамаддун, 2017; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004; Ҳожиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. – Тошкент: ABU MATBUAT KONCALT, 2008; Кадирова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества: Автореф. дисс... докт. филос. наук. - Ташкент, 2000; Эркаев А. Маънавиятнинг уч қонуни // Тафакқур. – Тошкент, 2017. - №2; Мадаева Ш.А. Ўзбек менталитетида демократик тафакқурнинг шаклланиш хусусиятлари: Фал. фан. док... дис. автореф. – Тошкент, 2009; Атавуллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадрятларнинг ўрни: Фал. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент, 2019; Хожиев Т. Модернизация назариялари эволюциясининг фалсафий-концептуал таҳлили: Фал. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дис. автореф. - Тошкент, 2019.



**Тадқиқот объекти** – модернизация жараёнлари ва ўзбек этнотафаккури.

**Тадқиқотнинг предметини** модернизация ва ўзбек этнотафаккуридаги янгилаш жараёнларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари**га комплекс ва тизимли функционал ёндашув, анализ ва синтез, ретроспектив ёндашув, социологик сўровнома, қиёсий таҳлил кабилар қиради.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

модернизациянинг жамият ва инсон тафаккури, моддий ва маънавий эҳтиёж, инновация ва новация натижаси, ижтимоий борлиқни англаш ҳамда жамият тараққиётининг мавжуд механизмларини янгилаш заруриятини ифода этувчи алоҳида феномен экани ижтимоий-фалсафий жиҳатдан асосланган;

модернизация жараёнларининг сиёсий онга хос бўлган легитимлик, тизимлилик, ўзгарувчанлик моҳияти, иқтисодий тафаккурга мослашувчанлик ва бозор иқтисодиётини кенг тарғиб этаётган либерал-демократик ғоя сифатида маънавий-маданий ҳаётга аксиологик ва праксиологик таъсири очиб берилган;

этнотафаккур ва модернизация ўртасидаги тарихий ва фалсафий жиҳатдан диалектик алоқалар аниқланиб, этнотафаккурдаги янгилашлар дунёни сезиш, идрок этиш, тушуниш билан боғлиқлиги ҳамда сиёсий маданият ва сиёсий амалиёт биргаликда сиёсий тафаккурни шакллантирувчи этнопсихологик таъсир маҳсули эканлиги очиб берилган;

ёшларнинг замонавий этнотафаккуридаги янгилашларнинг глобаллашув жараёнидаги ижтимоий аҳамияти, миллий тараққиёт стратегиясига мувофиқ рўй бераётган ўзгаришлар этнотафаккурдаги ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг илмий-техник ва кадриятларга оид воқелик эканлиги фалсафий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«модернизация» ва «этнотафаккур» тушунчаларининг ижтимоий фалсафий ва илмий талқинлари ўрганилиб, уларга оид янги таъриф, ёндашувлар илм-фанга тавсия этилган;

модернизация жараёнларининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий- маданий соҳаларда намоён бўлиш хусусиятлари аниқланиб, уларни ижтимоий-амалий вазибаларга қўллаш, кишилар онги, тафаккури ва тасаввурларига сингдириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалардан фалсафий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла институти фаолиятида, шунингдек, миллий ғояни тарғиб этишда, ижтимоий фаол ва онгли, ватанпарвар ёшларни шакллантиришда,

маҳаллаларда олиб борилаётган оммавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Модернизация ва ўзбек этнотафаккуридаги янгиланиш жараёнлари» тадқиқоти натижаси асосида:

модернизациянинг жамият ва инсон тафаккури, моддий ва маънавий эҳтиёж, инновация ва новация натижаси, ижтимоий борлиқни англаш ҳамда жамият тараққиётининг мавжуд механизмларини янгилаш заруриятини ифода этувчи алоҳида феномен эканлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ҳудудий партия ташкилотлари миқёсида ўтказилган семинар, давра суҳбатлари, хусусан, маҳаллаларда ташкил этилган «Депутат маҳаллада», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Беш ташаббус – беш имкон», «Эрта никоҳнинг олдини олиш – долзарб вазифа» номли тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 31 мартдаги 2-137-сон маълумотномаси). Натижалар модернизация шароитида фуқароларнинг жамият янгиланиши жараёнларини тўғри англашига имкон яратган;

модернизация жараёнларининг сиёсий онга хос бўлган легитимлик, тизимлилик, ўзгарувчанлик моҳияти, иқтисодий тафаккурга мослашувчанлик ва бозор иқтисодиётини кенг тарғиб этаётган либерал-демократик ғоя сифатида маънавий-маданий ҳаётга аксиологик ва праксиологик таъсирга оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Президент мактаблари, Ижод мактабларида ўтказилган «Юксак парвоз завқи» мавзуидаги тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 26 майдаги 02/08-598-сон маълумотномаси). Илмий натижалар янги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, миллий онгни юксалтириш, аҳолининг осойишта ва обод турмушини таъминлашга, шунингдек, фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида умуминсоний ва демократик кадриятларни ифода этувчи янги маънавий кадриятлар тизими юзага келишини чуқур мониторинг қилишга хизмат қилган;

этнотафаккур ва модернизация ўртасидаги тарихий ва фалсафий жиҳатдан диалектик алоқалар аниқланиб, этнотафаккурдаги янгиланишлар дунёни сезиш, идрок этиш, тушуниш билан боғлиқлиги ҳамда сиёсий маданият ва сиёсий амалиёт биргаликда сиёсий тафаккурни шакллантирувчи этнопсихологик таъсир маҳсули эканлигига оид таклифлардан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ўтказилган давра суҳбатлари, хусусан, маҳаллаларда ташкил этилган «Ижтимоий соҳа ривожу – аҳоли фаровонлигининг асоси!» номли тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 21 апрелдаги 01-01/127-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар ёшларда миллий-маънавий кадриятларга ҳурмат ҳиссини ривожлантириш имконини берган;

ёшларнинг замонавий этнотафаккуридаги янгиланишларнинг глобаллашув жараёнидаги ижтимоий аҳамияти, миллий тараққиёт стратегиясига мувофиқ рўй бераётган ўзгаришлар этнотафаккурдаги ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг илмий-техник ва кадриятларга оид воқелик эканлигига тегишли таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла»

телерадиоканалининг «Ҳаёт ҳақиқатлари» кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 30 мартдаги 03-03-165-сон маълумотномаси). Диссертациянинг илмий натижалари халқимизнинг ўз маънавий оламини англаши, ўзбек халқи этнотафаккуридаги янгиланиш жараёнларининг моҳиятини тушуниши, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фаол қатнашишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуи бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Модернизация феномени ва унинг институционал тизими**» деб номланган бўлиб, модернизациянинг этимологик, илмий ва ижтимоий-фалсафий талқинлари, унинг феноменал белгилари ва институционал тузилишининг аҳамияти очиқ берилган.

Мазкур бобда «модернизация» (французча «moderne») тушунчаси этимологик нуқтаи назардан, модерн, мода, модернизм, модификация каби сўзлар билан боғлиқлиги таъкидланган. «Модерн» (французча «modern») сўзининг этимологик маъноси замонавий демакдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, модерн сунъий макондаги бир хилликка, стандарт тасаввурларга ноодатийлик, табиатдаги ранг-барангликни олиб кириш ҳисобланади.

Модернизация сўзи ҳам, воқелик сифатида қўлланилиши ва илм-фанда истеъмолга киритилиши ҳам Ғарб кашфиёти ҳисобланади. Ғарбда XIV-XVI асрларда рўй берган Ренессанс ва Реформация мутаассиблик, догматизм ва тоталитаризмга қарши эркинлик, хурфикрлик ва маърифий тараққиёт масалаларини қарши қўйдики, бу кейинчалик ижтимоий ҳаётни янгилаб туришни, замонавийлаштиришни анъанага айлангирди. Бу американча прагматистик ёндашув. Модернизация фақат амалиёт, ишлаб чиқариш, илмий техник янгиланиш эмас, у ўз навбатида, ижтимоий онг, қадриятлар тизими,

этномаданият ва этноменталитетдаги ўзгаришларнинг ҳам ифодасидир. Уни мана шундай кенгликда, кенг ижтимоий воқелик сифатида талқин қилгандагина бугун рўй бераётган туб ўзгаришлар моҳиятини, динамикасини тўғри илғаш мумкин.

Диссертацияда модернизация анъанавий жамият ва қарашлар натижасида ўзгариб, янгиланиб турадиган ижтимоий муносабатларга, тартиб ва қадриятларга ўтишга оид воқеликдир, деб таъриф берилган.

Модернизация анъанавий ёндашиш ва турмуш тарзи, иш усули ва бошқариш технологияси, ижтимоий муносабат ва қадриятлар тизимини замонавий талабларга мувофиқлаштириш жараёни сифатида феноменал хусусиятларга эга. Унинг бу хусусиятлари қуйидагилар орқали очиб берилган:

модернизация ижтимоий борлиқ ва тафаккурни ислоҳ қилиш, замонавийлаштиришга қаратилган феномен;

модернизация анъанавий нарсаларни, қадриятларни мутлақ рад этмайди, балки уларга бетакрор, янги, бошқача усул, ёндашув ва ғояларни олиб киради;

модернизацияга тадрижийлик, эволюцион ёндашиш хос;

модернизацияда янгиликка, инновацияга мойиллик мавжуд, у инновацион ишланмаларни тақозо этади;

модернизация илмий-техник янгиланишни бошқа ижтимоий соҳаларга татбиқ этиш тарафдори;

модернизация янгиланиш ва замонавийлаштиришни ижтимоий-ҳуқуқий асосга, жамиятдаги устувор, маънавий-ахлоқий императивлар асосига қуради.

Ижтимоий борлиққа динамизм, ҳаракатчанлик, ривожланиш хос. Ушбу омил модернизацияни тезлаштиришга, ижтимоий воқеликка айлантиришга ёрдам беради. Янги, ёш авлоднинг ҳаётга кириб келиши ижтимоий борлиқни динамизм қонунларига мувофиқ ўзгариб, эврилиб, ривожланиб туришга ундайди. Ёш авлоднинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари ва ўз иқтидорини рўёбга чиқариш истаклари динамизмни реал воқеликка айлантиради. Динамизмга тўсқинлик ижтимоий ҳаётни ривожланиш қонунларига тескари қилиб қўяди, ғайритараққий элементларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий борлиқ динамизми материянинг шунчаки ҳаракати, бир шаклдан иккинчи шаклга ёки макон ва замонда ўзгариши эмас, балки у бутун социумни, мегаборлиқни ҳаракатга келтирувчи, уни ривожланиш ва янгиланишга чорловчи феномендир. Ҳаёт динамикаси, унинг қонуниятлари (ўзидан энергия ва куч олиш; ички тизимларини бутун тизим талабларига мувофиқлаштириб туриш; ташқи таъсирларга имкони даражасида жавоб бериш) модернизацияга замин яратади. Агар ижтимоий борлиққа, ҳаётга динамизм мос экан, улар модернизацияга ҳам мойилдир. Шунинг учун, модернизация ижтимоий борлиқ, ҳаёт динамизми қонунларининг ўзига хос ифодаси, кўринишидир.

Ижтимоий борлиқ, ҳаёт динамизми инсон онги, тафаккури билан боғлиқ. Мазкур субъект воқеликларда, Гегель нафақат тушунчага, балки объектив борлиққа оидлик ҳам борлигини таъкидлаган. «Ғоя, - деб ёзади у субъективлик тўғрисида, - қисман ҳаёт, қисман билиш, қисман фандир». Ҳаёт: 1) ўзининг ташқи кўринишида умумбирликка хос, ички монандликни ҳис қилиш; 2) ташқи таъсирдан таъсирланиш ва унга жавоб бериш; 3) мазкур таъсирни ичга қайтариш

ва қайта ишлаш хусусиятларига эга<sup>7</sup>. Файласуф ушбу умумбирликка хослик, ташқи таъсирни ичга йўналтириш ва унга жавоб беришни феноменологиянинг предмети бўлган «руҳ» ва «онг» деб талқин қилади<sup>8</sup>. Демак, ижтимоий борликқа оид жараён, ўзгариш «руҳ» ва «онг»га тааллуқли феномен сифатида ҳам келади. Бу фикр тафаккурдаги янгиланиш жараёнларига ҳам тааллуқли.

Модернизацияга замонавийлик, ижтимоий ҳаёт динамизмига таяниш хос бўлса-да, у анъана ва қадриятларни, жамиятдаги мавжуд маънавий-ахлоқий императивларни мутлақ рад этмайди. Модернизация нигилизм эмас, у замонавий усулларни, ғояларни олиб киришдир. Қандай усул ва ғоялар эканини модернизация ёки уни татбиқ этувчи модернизатор эмас, балки ижтимоий зарурият ва эҳтиёжлар белгилаб бериши даркор. Модернизатор ушбу зарурият ва эҳтиёжлар ифодачиси, янги усул ва ғоялар тарафдори сифатида ижтимоий муносабатларга фаол аралашади. Бундай модернизатор модернизация ғоясини, ташаббусини ишлаб чикувчи, бу борадаги илмий- назарий концепция яратувчи (назариётчи) ва ушбу ғоя ва концепцияларни ижтимоий борликқа, реал муносабатларга татбиқ этувчи (амалиётчи) бўлиши мумкин. Шундай ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар борки, модернизатор бир вақтнинг ўзида ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда у назариётчи, лидер, ташаббускор сифатида майдонга чиқади. Унинг реформаторлиги модернизация концепциясини ишлаб чиққанида, уни ижтимоий муносабатларга жорий этиш ташаббускори бўлиб келганидир. Модернизацияни эса амалиётчилар бажаради.

Диссертациянинг «**Мустақиллик йилларидаги сиёсий модернизация ва этнотафаккурдаги парадигмал янгиланишлар**» деб номланган иккинчи бобида сиёсий модернизация ва унинг этнотафаккурдаги зиддиятли инъикоси, Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий тараққиётининг янги босқичи ва этнотафаккурдаги янгиланишлар тадқиқ этилган.

Бобда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий модернизация, илк тажриба, бу борадаги зиддиятли тўқнашувлар, уларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, миллий демократик қадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Мустақилликка эришган барча давлатлар сиёсий парадигмал ўзгаришларга дуч келади, мазкур муаммонинг ҳал этилишига қараб модернизация феномени, унинг миллий ҳаёт тарзи ва давлатчилигидаги инъикоси тўғрисида хулоса чиқарилади. Мустақиллик шунчаки декларация, баёнот эмас, у сиёсий модернизациянинг барча мураккаблиги ва зиддиятларини ҳал этиши, эски анъаналарнинг янгиланиши учун зарур, самарали йўлларни топиши билан белгиланади. Ички зиддиятларнинг кўплиги, ташқи тазйиқлар сиёсий модернизацияни амалга оширишда қатъиятлиликини, ҳатто, автократизмни тақозо этади. Сиёсий жараёнларнинг ички хусусият ва зиддиятларидан беҳабар киши сиёсий модернизацияни теп-текис йўл, қабул қилинган қарор, эълон қилинган фармон деб билади, ваҳоланки, давлат ҳокимияти, бошқариш тизими, раҳбарлик ишлари

<sup>7</sup> Гегель. Работы разных лет в двух томах.Т.2. - М: Мысль, 1966. - С.168 - 169.

<sup>8</sup> Ўша асар. - С.181.

мудом ўзгача ёндашувни, гоҳо деструктив ҳолларни ҳам келтириб чиқарган. Мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳам сиёсий ҳаётнинг ушбу зиддиятларини бошидан кечирган, улар ҳокимиятни қатъий чоралар кўришга ундаган. Бугун маъмурий бошқариш деб қараланаётган сиёсий тизим ана шу зиддиятларнинг маҳсулидир. Ўзбекистон халқи тафаккуридаги иккиланишлар ҳам ўша зиддиятли ҳолатлар маҳсули ҳисобланади.

Диссертацияда Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичидаги сиёсий модернизациянинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг этнотафаккурдаги инъикоси ҳам очиқ берилган. Бу ўзгаришлар жамият ривожланиши, стратегик вазибалари ва этнотафаккурдаги янгиланишлар билан диалектик боғлиқлиги, халқ демократик янгиланишни ўзининг туб мақсади сифатида идрок этаётгани ёритилган. Халқ қабулхоналари, давлат хизмати кўрсатиш институтларининг ташкил этилиши билан боғлиқ ўзгаришлар этнотафаккурда мутлақ янги, парадигмал хусусиятга эга янгиланишлар бошлаб бергани асосланган.

«Этно» деган тушунча «этнос», «халқ» деган тушунчалардан олинган. «Тафаккур» тушунчасининг этимологик ва ижтимоий-фалсафий маъноси эса ақлу идрок билан боғлиқ. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да тафаккурда «Инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онда акс этиш жараёни. У атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир... Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз қабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади», деб таъриф берилади<sup>9</sup>. Ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан эса «Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб, бавосита (билвосита) акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга»<sup>10</sup>. Тафаккурнинг инсон руҳияти, сенситив кечинма ва ондаги эврилиш жараёнлари билан боғлиқлиги унинг психология тадқиқот объекти (предмети) эканини ҳам кўрсатади. Бироқ у ушбу руҳий кечинмалар доирасида қололмайди. Тафаккурда ақлу идрокка, рационал ва эмпирик изланишларга таяниш хос. У воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги хабарни, маълумотни ақлу идрок синтездан ўтказади, уларни аниқлаштириш, шу асосда аниқ билимларга эга бўлишга интилади. Унинг фикри ва хулосалари ана шу аниқлаштириш маҳсулидир.

«Этнотафаккур» деганда, ижтимоий онг, ижтимоий фикр билан боғлиқ билиш, англаш жараёнлари назарда тутилади.

Онг, фикр ва тафаккур тез ўзгарувчан воқеликлардир. Улар нафақат ички имманент хусусиятларига, шунингдек, ташқи таъсирларга мувофиқ ҳам ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам модернизация этнотафаккурдаги ўзгарувчанликка

<sup>9</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 жилд. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. - 299 б.

<sup>10</sup> Ўша жойда.

таянади, аммо ундаги этномаданий қадриятлар таъсирида шаклланган барқарорликка таянмаслиги мумкин эмас. Модернизация этнофафаккурни мутлак ўзгартирмайди, ундаги устки ўзгарувчан қисми янгилайди, холос. Этнофафаккурдаги ички барқарор, этномаданий қадриятлар таъсиридаги қисм эса сақланиб қолади. Мазкур ядрони йўқотиш миллатнинг ассимиляциялашувини англатади, шунинг учун модернизация этнофафаккурнинг устки қисмини янгилайди. Шундай модернизация жараёнлари бўладики, улар этномаданий қадриятларни, ядрони ҳам ўзгартириши мумкин. Бироқ бундай таъсир жуда кам учрайди.

Сиёсий модернизация ҳокимиятлар бўлиниши, конституциявий принципларнинг амалга оширилиши, ижтимоий-назарий институтлар шаклланиши, суд тизимини либераллаштириш, давлатнинг хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашини бартараф этиш, икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш, марказлашган бошқарувни чеклаш ва ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш, Президент, парламент ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни ўрганиш, Конституцияга муносабатлар билдириш, Бош вазир номзодини тақдим этиш ва тасдиқлаш кабиларда намоён бўлади.

2013 йили Ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан мақсадли социологик сўровнома ўтказилди. Респондентларнинг 97,5 фоизи республикадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни «яхши ва барқарор», «ўтган йиллардагидек юқори», деб баҳолаганлар. Сиёсий институтлар, аввало, Президент, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси куйидагича баҳоланган. Олий идораларга фуқароларнинг ишончи ва ҳурмати Ўзбекистон Республикаси Президентига 2011 йили 100 фоиз, 2012 йили 100 фоиз, 2013 йили ҳам 100 фоиз бўлган. 1997 йили бу ишонч ва ҳурмат кўрсаткичи 67 фоиз атрофида бўлганини эсласак, этнофафаккурдаги ўзгаришлар аён бўлади. Қизиғи шундаки, мазкур 100 фоиз кейинги йилларда сақланиб қолади.

2017 йилга қадар бу кўрсаткичлар тенденцияси, яъни олий ҳокимиятга ишониш ва унга ҳурмат билан қараш барқарор воқелик сифатида қайд этилади. Мазкур рақамлар ва «ижтимоий фикр»да ўша давр таъсири сезилиб туради, давлат идораларида ошна-оғайнигарчилик, коррупция, хўжакўрсинга ишлаш, сансалорлик илдиз отгани Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг дадил сиёсий позицияси, ислохотлари ва инсон манфаатларини диққат марказига қўйган демократик ўзгаришлари туфайли фош қилинди.

Сиёсий модернизацияни демократик ўзгаришлар билан боғлаш табиий ҳол. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар, мутахассислар модернизацияни амалга оширилган ёки амалга оширилаётган демократик ислохотлар орқали таҳлил этишади. Ҳа, демократик қадриятларни шакллантириш, улар асосида миллий онг, этнофафаккур ва дунёқарашда ўзгаришлар содир этиш моҳиятан модернизацияга оид воқелиқдир.

Сиёсий модернизация қанчалик кенг қамровли, кўп функционал ва таъсирчан бўлмасин, у аҳоли, кишилар ташаббусига, ақлу идроки ва креатив фаоллигига таянади. Этнофафаккурдаги янгиланиш ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлардан айрича, улардан холи рўй бермайди. Бироқ этнофафаккурда, ҳар

қандай онг, тасаввур, идрок каби субъектив воқеликларда ўзига хослик мавжуд. У, масалан, янгиланишлардан ё олдинда ёки ортда юриши мумкин.

Демак, этнофақкурда нарса ва ҳодисаларга нотанқидий ёндашув ҳам бўлиши мумкин. Аслида бу давлатга, шохга, етакчига сўзсиз итоат этиш, унга эргашиш каби халқ менталитетидан жой олган анъананинг маҳсулидир. Демократик тараққиётнинг «мутлақ янги даври» тафаккурни ён-атрофга, бошқариш тизимига, ижтимоий борлиқдаги ўзгаришларга танқидий кўз билан қарашга ўргатмоқда. Этнофақкурдаги энг муҳим янгиланиш «танқидий таҳлил» методини ўзлаштириб олаётганида, ҳамма нарсани, ҳатто, сиёсий лидер фаолияти ва ҳаётини ҳам шу тарзда баҳолашга одатланаётганидадир.

Диссертациянинг **«Иқтисодий модернизация ва ўзбек этнофаққуридаги янгиланишлар социодинамикаси»** деб номланган учинчи бобида иқтисодий модернизация ва Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг миллий имманент хусусиятлари, инновацион иқтисодиёт ва ўзбек этнофаққуридаги янгиланишлар таҳлил қилинган.

Бобда иқтисодий модернизациянинг ички хусусиятлари, бозор иқтисодиётини кенг тарғиб этаётган либерал - демократик ғоялар ва уларнинг Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан янгилашдаги ўрни масалалари тадқиқ этилган. Жамият ҳаётида содир бўладиган парадигмал ўзгаришлар халқ, миллат иштирокисиз, қўллаб- қувватлашисиз рўй бермайди. Ўтган аср 80-йилларида бошланган бозор муносабатларига ўтишга қаратилган хатти-ҳаракатлар мустақиллик йилларида миллий, этник хусусият касб этиб, «ўзбек модели»ни келтириб чиқарди. Ўша йилларда ушбу модель ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, уни дунё тан олган тараққиёт йўли сифатида кўрсатишга бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борилди. Бобда ушбу саъй-ҳаракатларнинг ўз пайтидаги ютуқлари очиқ берилган.

Миллий демократик тараққиётнинг мутлақ янги босқичида «ўзбек модели» эсга олинмай қўйилди, унга мақтовлар ёғдирган тадқиқотчилар негадир ҳозир жим. Бобда ушбу жимжитликнинг сабаблари изланади. «Ўзбек модели» қанчалик асосли ва объектив зарур бўлгани бундан кейин ҳам турли ёндашувларни келтириб чиқариши табиий ҳол. Агар жамият ўз тараққиётининг янги босқичига ўтса, у давр талабларига мувофиқ келмайдиган андозалар, ёндашув ва фикрлардан воз кечиши табиий ҳодиса. Бироқ этнофақкурда бу жараён табиий тарзда, эволюцион ўзгаришлар кўринишида содир бўлади. Аммо «ўзбек модели»га бўлган «жимжитлик» муносабати турли саволлар уйғотмай, баҳслар келтириб чиқармай қолмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор муносабатларига ўтишни ўзининг тараққиёт йўли деб белгилади. Жаҳон тажрибаси ва илғор давлатлар эришган ижтимоий-иқтисодий ютуқларга таянган ҳолда ўзбек этнофаққури, миллий хусусиятларига мос тараққиёт йўлини танлашга, излашга киришди. Бу йўл кейинчалик «ўзбек модели» номини олди. Таниқли иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Тўхлиев «ўзбек модели»га бағишлаб икки салмоқли китоб чоп эттирган. Иккинчи китобида у ёзади: «Мамлакатимизнинг



ўзига хос тараққиёт йўли – «ўзбек модели» жаҳонда тан олинган ҳақиқатдир»<sup>11</sup>. Бугунги кунда эса «ўзбек модели»га сиёсий баҳо берилмаган бўлса-да, у ҳақда аниқ фикр билдирилаётгани йўқ. Ижтимоий фикр ва тадқиқотчилар «ўзбек модели»ни, иложи борича, четлаб ўтишмоқда. Юқори идоралар томонидан уни тилга олинмаётгани этнотафаккурга маълум бир кўрсатма бўлиб кўринмоқда.

Бугун ўзбек иқтисодий этнотафаккуридаги янгиланишлар: хусусий мулк, инновация, инвестиция, илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, замонавий билимларга эга кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик, экспортга маҳсулотлар чиқариш кабилар доирасида кечмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда маънавий-маданий соҳада модернизация жараёнлари ва этнотафаккурдаги янгиланишлар**» деб номланган тўртинчи бобда маънавий-маданий соҳани ривожлантириш концепцияси ва унинг этник моҳияти, интеллектуал изланиш ҳамда ўзбек этнотафаккуридаги инновацион ўзгаришлар тадқиқ этилган.

